

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

2023

ISSUE 12  
DECEMBER

JOURNAL OF

FUNDAMENTAL

STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

JOFS



IMFAKTOR

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 12-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-12

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-12

ТОШКЕНТ – 2023

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 12 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-12>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Каримов Б.

– тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т.

– юридик фанлар доктори, профессор

Баҳодиров Р.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Ходжаметова Гулчира Илишевна

– тарих фанлари номзоди, профессор

Ҳайдаров Ўрал Ахмадович

– иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент

Мусаев Джамалиддин Камалович

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент

Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б

Узакова Зарина Фуркатовна

– социология ф.б.ф.д (PhD), доцент

Мамадияров Дилшод Уралович

– иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Тўраев Шавкат Нишонович

– фалсафа фанлари номзоди, доцент

Бердиева Гулмира Аминовна

– тарих фанлари номзоди

Гаипов Жасур Бахром ўғли

– иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)

Сохибова Лола Жонибоевна

– фалсафа ф.б.ф.д (PhD)

Шарипов Дилшод Бахшиллоевич

– сиёсатшунос, эксперт

Содиржонов Мухриддин

Махамадаминович

– социология ф.б.ф.д (PhD)

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**ИСМОИЛОВ Ҳамдам Исмоилович**

*Божхона институти  
“Умумхуқуқий фанлар” кафедраси  
катта ўқитувчиси*

**МЕЛИБОЕВ Худойберди Нематуллаевич**

*Божхона институти  
магистратура тингловчиси,  
божхона хизмати майори  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10429804>*

## КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

### АННОТАЦИЯ

Божхонага оид қонунбузилиш ҳолатларида жиноий жавобгарлик жиноят ҳуқуқи нормалари билан кўриқланадиган ижтимоий муносабаларга жиддий зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиши мумкин бўлган тажовуз қилингандагина вужудга келади. Шундай экан, жиноий жавобгарлик ўз навбатида ҳуқуқий оқибатни вужудга келтиради.

Мақолада коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг турлари ва ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Муаллифлар, коррупциянинг турларини батафсил ёритиш орқали қилмиш ва шахсинг ижтимоий хавфлилик даражасини пасайтириш, яъни давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига реал зиён етказилишининг самарали олди олиниши ҳақидаги фикрларни илгари суришган.

**Калит сўзлар:** коррупция билан боғлиқ жиноятлар, манфаатлар тўқнашуви божхона, жавобгарлик, жиноий-ҳуқуқий муҳофаза объектлари, коррупциявий омиллар.

## TYPES OF CRIMES RELATED TO CORRUPTION

### ANNONTATION

In cases of customs violations, criminal liability arises only when an attack is committed that causes serious damage to social relations protected by the norms of criminal law or may cause such damage. Therefore, criminal responsibility in turn creates a legal consequence.

The article analyzes the types and specific aspects of crimes related to corruption. The authors put forward the ideas of reducing the level of social danger of the act and the person, that is, effective prevention of real damage to the economic security of the state, by elucidating the types of corruption in detail.

**Key words:** crimes related to corruption, conflict of interest, customs, liability, objects of criminal legal protection, corruption factors.

## ВИДЫ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С КОРРУПЦИЕЙ

### АННОТАЦИЯ

За таможенные правонарушения уголовная ответственность наступает только в случае совершения посягательства, причинившего тяжкий вред общественным отношениям, охраняемым нормами уголовного права, или способного причинить такой ущерб. Таким образом, уголовная ответственность, в свою очередь, порождает правовые последствия.

В статье анализируются виды и особенности преступлений, связанных с коррупцией. Авторы выдвигают идеи снижения уровня общественной опасности деяния и личности, то есть эффективного предотвращения реального ущерба экономической безопасности государства, путем детального освещения видов коррупции.

**Ключевые слова:** преступления, связанные с коррупцией, конфликт интересов, обычаи, ответственность, объекты уголовно-правовой защиты, коррупционные факторы.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида сўз юритишдан аввал “коррупция” сўзининг луғавий маъносини англаб олиш ғоят муҳимдир.

“Коррупция” атамасининг этимологик жиҳати хусусида турли фикрлар мавжуд. Кенг оммалашган биринчи фикр тарафдорларига кўра, “этимологик жиҳатдан “коррупция” лотинча “corruptio”, яъни “бузиш, сотиб олиш, пора эвазига оғдириш” деган маънони англатади [1].

Кейинги қарашга кўра, “коррупция” атамаси лотинча “corumpere” сўзидан келиб чиққан бўлиб “бузилиш, айниш, таназзул” деган маъноларни англатади.

Учинчи фикрга кўра, “коррупция” лотинча “corruptum” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “синган, бузилган” маънони билдиради ва шахсий ҳаёт ҳамда корпоратив фойда йўлида жамоат манфаатларига путур етказишни англатади.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда биринчи бор коррупция тушунчаси БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган “Хуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси”да [2] учрайди, унда коррупция деганда “... мансабдор шахснинг ҳар қандай шаклдаги мукофот эвазига ўз мансаб ваколатлари доирасида мазкур мукофотни берувчи шахс манфаатларини кўзлаб, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги” тушунилиши баён қилинган.

Шунингдек БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил Гаванада коррупция муаммоларига бағишлаб ўтказилган минтақаларо семинарида қабул қилинган Давлат хизматчилари учун халқаро хулқ-атвор кодексида [5] эса “Коррупция - бу мансабдор шахсларнинг шахсий ёки гуруҳ манфаатини кўзлаб мансабини суиистеъмол қилиш, шунингдек давлат хизматчилари томонидан ўзлари эгаллаб турган хизмат вазифаларидан ғайриқонуний фойдаланиш кўринишларидир”, дейилади.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг преамбуласида [2] “жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига коррупция орқали юзага келаётган таҳдид ва муаммоларнинг жиддийлиги шундаки, у демократик институтлар ва кадриятларнинг, ахлоқий кадриятлар ва адолатни емиради ва барқарор ривожланиш ва ҳуқуқ тартиботига зарар етказиши”, шунингдек “коррупция ўзида маҳаллий муаммони намоён қилмайди, балки у барча мамлакатларнинг жамияти ва иқтисодиётига таъсир қилувчи трансмиллий ҳодисага айланди” дея таъкидланган [4].

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунида коррупция, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ва манфаатлар тўқнашуви тушунчалари таъриф берилган:

\* *коррупция* — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши;

\* *коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик* — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

\* *манфаатлар тўқнашуви* — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Ҳуқуқ ижодкорлигида коррупциянинг юзага келишига ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига шарт-шароит яратилишига сабаб бўладиган омиллар коррупциявий омиллар ҳисобланади. *Коррупциявий омиллар* ҳуқуқни қўлловчиларга асосиз равишда кўриб чиқишнинг кенг доирасини ёки умумий қоидалардан чиқувчи истисноларни асосиз қўллаш имкониятини белгиловчи, жисмоний ва юридик шахсларга ноаниқ, бажарилиши қийин бўлган ва (ёки) оғирлаштирилган талабларни, олган нормалардан иборат.

Божхона соҳасидаги коррупция эса давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган, ёки уларга тенглаштирилган шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий бойликларни қўлга киритиши, божхона имтиёзларига эга бўлиши, ўз мансаб-мақоми ва имкониятларидан фойдаланган ҳолда бошқа шахсларнинг бу бойлик ва имтиёзларни қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон яратишида намоён бўлади.

Мансаб ёки ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилиш шакллари жуда ҳам ранг-баранг бўлганлиги сабабли, турли мезонларга кўра коррупциянинг бир қанча турларга бўлиниши билан фарқланади. Хусусан, олимлар томонидан коррупцияни қуйидагича турларга ажратиб ўрганилади:

1) *Субъектларнинг мақомига кўра:*

- а) ҳокимият органларидаги коррупция;
- б) хусусий сектордаги коррупция;
- в) сиёсатдаги коррупция ёки сиёсий коррупция.

2) *Даражасига кўра:*

- а) қуйи даражадаги коррупция;
- б) юқори даражадаги коррупция;
- в) Горизонтал ва вертикал коррупция.

3) *Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра:*

- а) коррупциявий ножўя қилмиш;
- б) коррупциявий жиноят.

Юридик адабиётларда коррупциявий жиноятларни сирасига муайян категориядаги жиноятлар мажмуи киритилади. Хусусан, мансабдорлик ва иқтисодиёт соҳасидаги ёки шу каби бошқа жиноятларни бунга мисол қилиш мумкин. Демак, коррупция ўзида бир қанча жиноятларни мужассамлаштиради. Ўзбекистон Республикасида коррупциявий жиноятларнинг алоҳида рўйхати шакллантирилмаган ёки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг муайян моддаларида кўрсатилган жиноятлар коррупциявий жиноятлар эканлиги тасдиқланмаган. Аммо коррупциянинг ўзига хос хусусиятлари, қонунчиликда келтирилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик таърифидан келиб чиқиб, шундай ҳулосага келиш мумкин:

*Коррупциявий жиноят* – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган, коррупция аломатларига эга бўлган ижтимоий хавфли қилмишдир.

Қонунчиликда коррупция тушунчасига берилган таърифдан келиб чиқиб эса коррупциявий жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини санаб ўтиш мумкин:

- шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан фойдаланиши ёки уни суиистеъмол қилиши;
- фаолияти жараёнида давлат ва жамият манфаатларини эмас, шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши;
- ўз вазифалари бажариш чоғида қонунга хилоф равишда моддий ёки номоддий наф олиши ёки тақдим этиши.

Бундан келиб чиқадики, мансабдор шахслар томонидан, жумладан, хизмат мавқесига эга шахсларнинг давлат ҳокимияти ёки бошқаруви ваколатларидан фойдаланган ҳолда шахсий манфаатларни ёки бошқа шахслар манфаатини кўзлаган ҳолда содир этиладиган жиноятлар туркумини *коррупциявий жиноятлар* деб аташ мумкин.

*Коррупциявий* жиноятларнинг биринчи хусусияти бўйича таҳлил қилинганда, яъни шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан фойдаланиши ёки уни суиистеъмол қилиши орқали содир этиладиган жиноятларга, хусусан, мансабидан фойдаланганлиги ёки мансабдор шахс бўла туриб содир этиладиган жиноятларни шартли равишда икки катта гуруҳга бўлиш мумкин:

1. *Субъекти бевосита мансабдор шахс ёки унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноятлар*. Уларни давлат бошқарувиغا қарши ва одил судловга қарши жиноятларнинг катта қисми ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар, шунингдек ҳарбий мансабдорлик жиноятлари ташкил этади. Бу жиноятлар Жиноят кодексининг 205-214, 230-231, 233-234, 241<sup>1</sup>, 192<sup>1</sup>-192<sup>11</sup>, 301-302-моддаларида кўрсатилган. Шунингдек Жиноят кодексининг 259<sup>1</sup>, 144, 175, 181<sup>1</sup>-, 193-195 ва 259<sup>1</sup>-моддаларида кўрсатилган жиноятлар ҳам мансабдор шахслар томонидан содир этилади.

*Мансабдор шахс* - доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъий назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс (*Жиноят кодекси 8-бўлиmidан*).

2. *Субъекти мансабдор шахс бўлганлиги учун ҳамда мансаб ёки хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилиши орқали ижтимоий хавфлилик даражаси ошадиган жиноятлар*. Демак, ушбу гуруҳдаги жиноятларни 3 та йўналишга бўлиб юбориш мумкин:

а) *Субъекти мансабдор шахс бўлганлиги учун:*

146-модда. Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш;

155<sup>3</sup>-модда. Терроризмни молиялаштириш;

156-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатиш;

212-модда. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш

223-модда. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш

232-модда. Суд ҳужжатини ижро этмаслик;

236-модда. Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш;

б) *Мансаб мавқеини суиистеъмом қилган ҳолда:*

167-модда. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш;

186<sup>1</sup>-модда. Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш;

186<sup>2</sup>-модда. Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш;

186<sup>3</sup>-модда. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шунингдек таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш;

247-модда. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш;

248<sup>1</sup>-модда. Учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш;

250<sup>1</sup>-модда. Пиротехника буюмларининг қонунга ҳилоф муомаласи;

251-модда. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш;

252-модда. Радиоактив материалларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш;

271-модда. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш;

в) *Хизмат мавқеини суиистеъмом қилган ҳолда:*

125-модда. Фарзандликка олиш сирини ошқор қилиш;

135-модда. Одам савдоси;

141<sup>2</sup>-модда. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш;

168-модда. Фирибгарлик;

202-модда. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш;

244<sup>1</sup>-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш;

244<sup>4</sup>-модда. Учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга ҳилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш;

278<sup>2</sup>-модда. Компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш;

278<sup>3</sup>-модда. Компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш;

278<sup>7</sup>-модда. Телекоммуникация тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш.

*Коррупциявий жиноятларнинг ҳуқуқий тавсифи*

Бундай жиноятларнинг *предмети* – ҳар қандай кўринишдаги моддий ёки номоддий наф бўлиши мумкин, буларга турли буюмлар, ашёлар ва валюта қимматликлари, шунингдек хизматлар киради.

Коррупциявий жиноятлар турли соҳа ва йўналишлардаги жиноятлардан иборат бўлганлиги учун уларнинг *объекти* ҳам жуда мураккаб ва хилма-хилликни ташкил этади, давлат ва жамият тартиби, миллий ва иқтисодий хавфсизлик, инсонлар ҳаёти ва соғлиғи кабилар шулар жумласидандир. Объектига қараб коррупциявий жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги кўлами қанчалик кенг эканлигини англаш мумкин.

*Объектив томони* бу турдаги жиноятлар мансаб ёки хизмат мавқега эга бўлган шахс ёки бир неча шахслар томонидан айти шу мавқедан наф кўриш мақсадида муайян соҳада қонунга ҳилоф ҳаракатларни содир этилишида намоён бўлади.

*Субъекти* эса қонун билан белгиланган ёшга тўлган ақли расо шахс саналади. Коррупциявий жиноятларнинг субъекти нафақат мансабдор шахс, балки тадбиркорлик субъектлари ёки оддий фуқаролар ҳам бўлиши мумкин. Чунки жиноятда иштирокчилик юзасидан мансаб ёки хизмат мавқеига эга шахсларга бошқа шахслар томонидан ёрдами инобатга олиниши мумкин.

*Субъектив томондан* коррупциявий жиноятлар фақат қасддан содир этилади, айрим жиноятлар эҳтиётсизлик туфайли содир этилган деб топилиши мумкин, лекин у коррупциявий бўлиши учун эҳтиётсизликнинг ўзи ҳам қасддан уюштирилиши мумкин.

**IQTIBOSLAR/СНОСКИ/REFERENCES**

1. А.Суюнов, М.Дўстов, Ж.Умурзаков, Божхона органларида коррупцияни олдини олишнинг илмий-назарий асослари, Тошкент, 2017
2. <https://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/lawenforcementofficials.aspx>
3. <https://undocs.org/pdf?symbol=en/A/RES/51/59>
4. <https://www.unodc.org/unodc/en/treaties/CAC/>
5. [https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/Publications/Convention/08-50028\\_R.pdf](https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/Publications/Convention/08-50028_R.pdf)

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 12-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-12

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-12

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)